



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 15 ноябрь, № 237 (9132)

Шанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-коддани телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 14 ноябрь куни давлат ташрифи билан Тошкентга келди. Қозоғистон етакчисини Президентимиз Шавкат Мирзиёев кутиб олди.



Қосим-Жомарт Тоқаев мамлакатимизга келгач, давлат раҳбарлари “Тошкент-Хумо” халқаро аэропортида суҳбат ўтказдилар.

Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки давлат байроқлари кўтарилди, faxрий қоровул саф тортди. Ҳарбий оркестр ижросида Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янгради.

Президентлар Қосим-Жомарт Тоқаев ва Шавкат Мирзиёев faxрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Ташриф дастурига мувофиқ, 15 ноябрь куни олий даражадаги музокара-лар ҳамда Олий давлатларро кенга-нинг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтади.

Саммит доирасида йирик қўшма лойиҳалар ишга туширилиши ва икки томонлама ҳужжатларнинг катта тўпла-ми имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ТОШКЕНТДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЕТТИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТАДИ

15-16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади.

Саммитда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Қирғиз Республикаси Президенти Садиρ Жапаров, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, шунингдек, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе иштирок этади.

Тадбир кун тартибидан Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, устувор соҳаларда қўшма лойиҳалар ва ташаббусларни амалга ошириш масалалари ўрин олган. Минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилади.

Маслаҳат учрашуви ақунларига кўра кўп томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами қабул қилиниши кутилмоқда.

Минтақа давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳатлашувларини ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон етакчиси томонидан 2017 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди.

Ўзбекистоннинг ушбу форматдаги раислиги даврида ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олувчи 20 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди.

Ў.А.

Дунё нигоҳи

ЧИНАКАМ БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Хорижлик экспертлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Марказий Осиё янги давр оstonасида» мақоласи ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сўй ТАО,
Хитой Давлат кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий ривожланиш тадқиқотлари марказининг Евроосиё ижтимоий ривожланиш институти директори ўринбосари:

— Ўзбекистон Президенти муаллифлигидаги “Марказий Осиё янги давр оstonасида” номли мақола билан батафсил танишиб чикдим. Дарҳақиқат, Марказий Осиё мамлакатлари ўттиз йилдан ортиқ мустақилликдан сўнг минтақавий интеграция ва ҳамкорликни ривожлантиришга улкан эътибор қаратмоқда. Минтақа мамлакатлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бой ресурслар ва умумий маданий меросга эга. Агар Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорликка тизимли ва дўстона ёндашса, бу шубҳасиз, бутун минтақа тараққиёти йўлида катта фойда келтиради.

2017 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ташкил этиш гоёси қўшни давлатлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланган эди. 2018 йилдан бошлаб Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувлари мунтазам ўтказила бошланди. Бундай учрашувлар доирасида кўплаб муаммолар масалалар конструктив тарзда ҳал этилди. Ҳудудий низолар, сув тақсими, чегара ва бошқа долзарб масалалар Маслаҳат учрашувлари кун тартибига киритилди.

Бу ютуқлар, биринчи навбатда, иқтисодий ривожланишда ўз аксини топмоқда. Жумладан, 2022 йилдан бошлаб Марказий Осиё мамлакатларининг янги ички маҳсулоти кетма-кет уч йил давомида йил-ига 5 фоиздан ортиқ ўсишни қайд этди. Бу жаҳон иқтисодиётининг ўртача 3 фоизлик ўсиш суръатидан сезиларли даражада юқоридир. Яна бир эътиборга лойиқ ҳодиса — мамлакатлар ўртасида мувофиқлаштириш-ни кучайтириш, ягона бозорни шакллантириш, саноат ва таъминот занжирлари ўртасидаги узилишларни бар-тараф қилиш бўлди.

Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари ўртасида узоқ йиллар давом этиб келган қатор зиддиятлар ўз ечимини топди. 2022 йилда Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида чегара ва сув масалалари бўйича можа-ро келиб чиқди. Бироқ бир неча йиллик ҳамжихатлик-даги саъй-ҳаракатдан сўнг Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида тегишли шартномалар им-золаниб, бу низо конструктив тарзда ҳал қилинди.

Бундан ташқари, Марказий Осиё давлатлари тақши сиёсат соҳасида ягона мувофиқлаштирилган позицияни шакллантирди. “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи”, “Марказий Осиё — Хитой”, “Марказий Осиё — Россия” ва бошқа ҳамкорлик моделлари минтақа-нинг умумий салоҳиятини юксалтирмоқда.



Конференция

ГЛОБАЛ ХАТАРЛАР ДАВРИДА ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигидаги парламент делегацияси Исломобод шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлароо спикерлар конференциясининг биринчи мажлисида иштирок этди.

Очилиш маросимини Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф бошлаб берди. Покистон Бош вазири ўз нутқида мамлакатнинг тинчлик, дипломатик мулоқот ва барқарор тараққиёт та-мойилларига содиқлигини қайд этди.

Конференцияда Содиқ Сафоев глобал хатарлар дав-рида парламент дипломатия-сининг ролини кучайтириш, тинчлик ва минтақавий бар-қарорлиқни таъминлаш, транс-порт-логистика йўлакларини кенгайтириш ҳамда ўзаро ишонч ва кўп томонлама му-лоқотни мустаҳкамлаш бо-расида Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаган ташаббуслар ҳақида батафсил маълумот берди.

Ушбу ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани, улар минтақада иқтисодий ин-теграция, хавфсизлик ва та-раққиёт учун янги имконият-лар яратиши алоҳида қайд этилди.

Тадбир ақунюнда тинчлик, хавфсизлик, барқарор ривож-ланиш тамойилларига содиқ-лик ифодаланган Исломобод коммюникеси қабул қилинди. Унда парламент дипломатия-сини кучайтириш, иқлим

ўзгаришининг олдини олиш, тенгсизлик ва можароларни бар-тараф этишда парламент-лар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш зару-рлиги ургуланди.

Шунингдек, конференция доирасида Сенат Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев қатор давлат ва халқаро тузилмалар вакилла-ри билан учрашувлар ўтказди.

Уларда парламентлароо ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хавфсизлик, барқарор ривож-ланиш тамойилларига содиқ-лик ифодаланган Исломобод коммюникеси қабул қилинди. Унда парламент дипломатия-сини кучайтириш, иқлим

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида икки сиёсий партия — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциялари аъзоларидан иборат “Тараққиёт” блокининг навбатдаги қўшма йиғилиши бўлди.

Маълумки, жорий йилнинг май ойида ўтказилган ЎзЛиДеП ва “Миллий тикланиш” ДП фракцияларининг қўшма йиғилишида “Тараққиёт” блоки”ни тузиш ҳақида қарор қабул қилиниб, унинг асосий устувор йўна-лишлари белгиланган эди. Блокнинг асосий мақсади Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга ошири-лаётган кенг кўламли ислохотларни қўллаб-қувватлаш, “Ўзбекистон — 2030” стратегия-си ҳамда уни амалга оширишга қаратилган ҳукумат дастурини ҳаётга татбиқ этишда сиёсий фаолликни янада кучайтиришдир.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг “Марказий Осиё янги давр оstonасида” ном-ли мақоласи ва унда илгари сурилган беш устувор йўналиш атрофида кўриб чиқилди.

Депутатлар мақолани нафақат минтақа-вий ҳамкорликни институционал асосда чу-

қурлаштиришга қаратилган стратегик ҳуж-жат, балки узоқни кўзлаган амалий сиёсий концепция сифатида юқори баҳолади.

Мақолада сўнгги йилларда минтақани тубдан ўзгартирган жараёнлар ва уни янги босқичга — ишонч, очкилик ва ўзаро ору-матга асосланган ҳамкорлик даврига олиб келган омиллар атрофида ёритилган. Та-рихда илк бор Марказий Осиё мамлакатла-ри ўртасида барқарор ва мустаҳкам ўзаро аниглашув муҳити шаклланиши, чегаралар-нинг ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ расмийлашти-рилиши, сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича келишувлар, ўзаро савдо ҳамжамининг ўсиши, транспорт йўлакларининг фаолла-шуви ва қўшма инвестиция лойиҳаларининг кенгайтириш минтақавий жиғлашуви учун мустаҳкам асос яратиб бераётгани эътироф этилган.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ОЗАРБАЙЖОН ЯНГИ ИНТЕГРАЦИЯ МАКОНИНИ ШАКЛЛАНТИРМОҚДА

15-16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ҳам faxрий меҳмон сифатида иштирок этиши кутилмоқда. Шу муносабат билан маъмур давлатнинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Хусайн ГУЛИЕВ “Халқ сўзи” газетасига интервью берди.

Дўстлик ришталари

— Шу кунларда Тошкент яна бир бор бутун Марказий Осиё эътибо-рини ўзига тортадиган майдонга айланди. Бу ерда минтақа давлат раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтаяпти. Маъмур фо-рум аллақачон сиёсий тақвимдан мустаҳкам ўрин олган. У нафақат анъана, балки Марказий Осиё бир-лигининг рамзига айланди. Бу жа-раёнда Ўзбекистон маъмур формат-нинг ташаббускори сифатида ало-ҳида ўрин тутди. Мамлакат нафа-қат ушбу форматнинг асосчиси, бал-ки йиллар давомида унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қо-лмоқда. Учрашувлар ташаббускори Президент Шавкат Мирзиёевнинг очкилик ва яхши кўшничилик сиёсати минтақа ичидagi муно-сабатларни амалда қайта ишга туширди.

2018 йил март ойида Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари

Биргаликда умумий мақсадлар сари

Минтақада интеграция жараёна-рининг янги босқичи 2016 йилда — Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида қўшнилар билан ишончли муносабатлар ўрнатилиш йўлини тутганидан бошлан-ди. Қисқа муддатда эски тўсиқлар олиб ташланди. Тожикистон билан

виза тартиби бекор қилинди, авиа-катювлар ва темир йўл линиялари тикланди, чегараларни делимитация қилиш жараёни бошланди. Булар-нинг барчаси минтақа ичидagi ҳамкорликка динамика берди, савдо, туризм ва ўзаро алоқаларни жонлантирди.

“Марказий Осиё мамлакатлари-нинг мувофиқлаштирилган ва кели-шилган ёндашувлари минтақавий ривожланиш ва фаровонлиқнинг умумий мақсадларига эришиш им-конини беради”, дея таъкидлаган эди Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистонда Тошкент саммити-га тайёргарлик доирасидаги учра-шулда сўзлаган нутқида. Ўзбекис-тон раислиги доирасида раислик концепцияси ва қўшма тадбирлар жадалли қабул қилинди. Йил даво-мида Хавфсизлик кенгашлари котиб-лари, махсус хизматлар раҳбарла-ри, саноат, энергетика, сув ҳўжали-ги ва экология вазирларининг учра-шувлари бўлиб ўтди, медиа ва ёшлар форумлари ташкил этилди. Йил охирига қадар парламен-тароо форум, мудоффа, савдо ва транспорт вазирларининг учрашу-влари, шунингдек, қатор маданий-гуманитар ташаббуслар режалашти-рилган.

Минтақавий шериклиқнинг янги кун тартибини шакллантириш учун Тошкент маслаҳат жараёнининг меъ-ёрий-ҳуқуқий базасини мустаҳкам-лашга қаратилган концептуал ҳуж-жатларни тайёрлаган. Бўлажак учра-шулда Ўзбекистон томони сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, транс-портнинг ўзаро боғлиқлигини кен-гайтириш, чегараолди савдосини ривожлантириш ва иқтисодий ҳам-корлиқнинг янги драйверларини ишга тушириш бўйича ташаббуслар-ни илгари суриш ниятида. Саммит-нинг диққат марказида сув ва энер-гетика соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик, иқлим ўзгариши ва табиатдан оқило-на фойдаланиш йўналишидаги ҳам-корлик масалалари ҳам бўлади.

Ўтган йилги Остонадаги учрашу-да давлат раҳбарлари ҳамкорлик учун узоқ муддатли йўналишни бел-гиллаб берган “Марказий Осиё — 2040” концепциясини қабул қилди. Унинг асосий мақсади — саъй-ҳара-катларни бирлаштириш ва минтақа-ни мустақил ўсиш ҳамда барқарор-лик марказига айлантириш.

Минтақа аллақачон сезиларли на-тижаларни намойиш этмоқда. Сўнгги беш йилда минтақа ичидagi савдо 80 фоиздан ортиқ ўсиб 11 милли-ард доллардан ошди, потенциал эса

15 миллиард долларга етиши мум-кин. Президент Шавкат Мирзиёев бундан ҳам юксакроқ марраларни тақлиф қилмоқда — ягона минтақа-вий бозорни стратегик мақсад си-фатида кўриб чиқиш ва минтақа мамлакатлари Бош вазирлари ўрин-босарлари мунтазам учрашадиган Иқтисодий кенгаш тузиш.

Қўлай географик жойлашуви ту-файли Ўзбекистон Евроосиёнинг янги транспорт архитектурасини шакллантириб, минтақанинг боғлов-чи бўлинига айланмоқда. Қуруқ порт-лар, мультимодал марказлар ва те-мир йўллarga киритилаётган кенг кўламли инвестициялар Тошкентга Транскаспий йўналишидаги мавке-ни мустаҳкамлаш имконини бермоқ-да. Бу йўлак Хитой, Марказий Осиё, Кавказ ва Туркияни боғлаб, тақши иқтисодий алоқаларни диверсифика-ция қилиш учун янги имкониятлар очади. Бироқ бу янги саъй-ҳаракат-ларни талаб этади — чегара пункт-ларининг ўтказувчанлик қобилияти-ни яхшилаш, боғжона тартиб-қоида-ларини унификация қилиш, тариф-ларни келишиш зарур. Аммо бу бо-рада ҳам Ўзбекистон БАА, Туркия ва бошқа мамлакатлардан халқаро ҳам-корларни жалб этган ҳолда тизимли ҳаракат қилмоқда.



АВЛОДЛАР ОЛДИДАГИ ТАРИХИЙ БУРЧ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” номида мақоласида минтақавий ҳамкорликнинг янги, тарихий босқичини бошлаб бераётган стратегик йўналишлар таҳлил қилинади.

Давлатимиз раҳбари ўз мақоласида бугунги глобаллашув, иқтисодий парокандалик ва иқлим ўзгаришлари шароитида Марказий Осиё давлатлари ўзаро жипслашувни чуқурлаштириши зарурлигини таъкидлади. Айниқса, экологик барқарорлик, сув ресурсларини оқилона бошқариш, “яшил” энергетикани ривожлантириш ҳамда иқлим ўзгаришларига мослашиш масалалари минтақавий ҳамкорликнинг устувор

йўналишлари сифатида алоҳида эътиборга сазовор. Бугун долзарб экологик муаммолар — сув танқислиги, музликларнинг эриши, чўлланиш, Орол фожиаси оқибатлари каби масалалар Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати ҳаётига бевоқиф таъсир кўрсатмоқда. Шу боис Президентимиз бу соҳадаги ҳамкорликни стратегик зарурат сифатида кўрсатиб, иқлим ўзгаришларига қарши биргаликда курашиш, трансчегаравий сув

ресурсларини адолатли бошқариш ва биологик хилмаҳилликни сақлаш бўйича янги ёндашувларни илгари сурди. Мақолада келтирилганидек, Марказий Осиё барқарор экологик ривожланиш минтақаси ва атроф-муҳитга масъулиятли муносабатнинг намунаси бўлишга қодир ва шундай бўлиши керак. Бу фикр нафақат минтақавий сиёсат, балки халқаро миқёсда ҳам Ўзбекистон ташаббуслари аҳамиятининг ортиб бораётганидан далолат беради. Шунингдек, мақолада Орол бўйи минтақасини экологик инновациялар ҳудудига айлантириш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш ва кам углеродли

технологияларни жорий этиш масалалари келажақ истиқболи сифатида белгилаб берилган. Ушбу йўналишларда олиб борилаётган изчил ишлар Ўзбекистоннинг глобал экологик ташаббусларда фаол иштирокининг ёрқин далилидир. Бугун минтақавий бирдамлик ва экологик масъулият — янги Марказий Осиёнинг асосий устуни сифатида шаклланимоқда. Шу боис экологик муҳитни асраш, сув ва табиий бойликларни оқилона бошқариш, “яшил тараққиёт” йўлини танлаш — нафақат бугун, балки бутун минтақанинг эртанги авлодлари учун ҳам энг муҳим тарихий бурч.

Сайёра АБДИКАРИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

МАСЪУЛЛИК, ФАОЛЛИК ВА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” номида мақоласи кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар ўртасида қизгин муҳокама қилинмоқда. Мазкур мақола нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиё давлатларининг умумий келажаги, барқарор ривож ва ўзаро уйғун ҳамкорлиги учун муҳим дастуриламал ҳужжат сифатида хизмат қилиши таъкидланмоқда. Минтақавий интеграция жараёнлари жадаллашган ҳозирги даврда бундай концептуал фикрлар ва аниқ йўналишларнинг белгиланиши ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий нуктаи назардан беқийс аҳамиятга эга. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси ҳамда Ёшлар парламенти аъзоларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.

Юксалишнинг асосий гарови

Шаҳноза ЖОЛДСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси:



— Мақоладаги энг эътиборли жиҳатлардан бири — бу Марказий Осиёда ўзаро ишонч муҳитининг мустаҳкамланиётгани, кўшни давлатлар ўртасида очик мулоқот, фикр алмашинуви ва конструктив ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётгани. Айнан давлатлараро ишонч ва дўстона алоқалар ҳар қандай ҳудуднинг тараққиёти учун асосий шарт бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатда очиклиқ, прагматик ёндашув ва ҳамкорликка таянган янгича сиёсий курси тўғрйли минтақада юзлаб илмлик муаммолар ижобий ечим топди, чегаралар масаласида мисли кўрилмаган конструктив натижалар қузатилди. Мақолада ҳам айнан шу ютуқлар минтақанинг келажаги учун пойдевор бўлиши қатъий таъкидланган. Бу жиҳат нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг барқарор ва тинч

ривожланишига хизмат қилади. Алоҳида урғу берилган муҳим йўналиш — бу инсон капиталини ривожлантириш, ёшлар салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва минтақавий маданий-гуманитар ҳамкорликини кучайтириш масаласи. Бугун Марказий Осиё аҳолиси жуда ёш демографик таркибга эга. Бу эса улкан имконият билан бирга катта масъулиятни ҳам юклайди. Таълим, фан, инновация, рақамли технологиялар, замонавий касблар ва ёшлар дипломатияси — буларнинг барчасини ривожлантириш минтақанинг эртанги кундаги тараққиёт даражасини белгилаб беради. Мақолада айнан шу жиҳатларга чуқур эътибор берилгани жуда тўғри ёндашувдир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг мазкур мақоласи — Марказий Осиёнинг эртанги кунига ижобий ишонч билан қарашга ундайдиган, минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичини белгиловчи, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликка асосланган улкан концепциядир. У минтақа давлатларини бирлаштиришга хизмат қилувчи тамойилларни аниқ белгилаб беради, ҳамкорликнинг реал механизмларини кўрсатади ва келажақдаги ютуқлар учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Мустаҳкам дўстлик ва бирдамлик ифодаси

Отабек СОБИТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти раиси:

— Мақолада сўнгги йиллардаги ўзаро ҳамкорликнинг энг муҳим ютуқлари изчил таҳлил қилинган. Улардан энг аҳамиятлиси — чегараларнинг узил-кесил ҳал этилиши ва уларнинг дўстлик кўпригига айланишидир. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида имзоланган уч томонлама Шартнома халқларимиз ўртасидаги яқинлиқни янада мустаҳкамлади. Бу ўзгаришлар савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, маданий-гуманитар интеграциянинг кучайиши ва минтақа бўйлаб инсонларнинг эркин ҳаракатланиши учун кенг имкониятлар яратди. Амалий натижалар ҳам эътиборга молик: Марказий Осиёнинг ялпи ички маҳсулоти 520 миллиард долларга етгани, ўзаро савдо ҳажми 11 миллиард долларга ортигани минтақа давлатларининг биргаликдаги прагматик сиёсатининг самарадор-



лигини кўрсатади. Мақолада ёшлар Марказий Осиёнинг энг қатъида бўлиб, улар келажақда улкан ин-вестициядир. Ёшларнинг таълими, соғлиги, ижтимоий фаоллиги ва уларнинг адолатли имкониятларга эга бўлиши минтақанинг эртанги тараққиётини белгилаб беради. Мақолада ёшларга оид сиёсий кун тартибининг алоҳида эътиборда бўлиши ҳам шундан далолат. Президентимизнинг мазкур мақоласи Марказий Осиёда янги сиёсий тафаккур, ўзаро ишонч ва ҳамкорликка таянган ёндашувнинг шаклланиётганини яна бир бор тасдиқлайди. Бу ёндашув минтақамизни барқарор ривожланиш, тараққиёт ва дўстлик сари етаклаётган муҳим стратегик йўналишидир.

Тинчлик йўлидаги қатъий ирода

Хуснора АҲАДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари:



— Президентимиз мақолада таъкидлаганидек, бугунги мураккаб глобал вазиятда минтақавий ҳамкорлик сиёсий шиор эмас, стратегик зарурат даражасига кўтарилди. Иқлим ўзгариши, геосиёсий беқарорлик, иқтисодий бўлиниш кучайиб бораётган даврда фақат жипслашган минтақаларни барқарор тараққиётга эриша олади. Марказий Осиё эса бугун айнан шундай мустаҳкам бирдамлик маконига айланмоқда. Минтақанинг халқаро майдондаги макъеи ҳам янги босқичга кўтарилди. “Марказий Осиё плюс” форматларида минтақамиз глобал ҳамкор сифатида қабул қилинмоқда. Бу унинг сиёсий нуфузи, иқтисодий салоҳияти ва халқаро ишончи ошганидан далолат беради.

«Дунё» АА.

МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК — СТРАТЕГИК ЗАРУРАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавҳали мақоласини ўқиб, бугунги кунда минтақамизнинг ҳамжиҳат бўлиши нима учун стратегик заруратга айлангани эътиборни тортиди.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё мамлакатлари узоқ йиллардан сўнг, кейинги 7-8 йилда, илк бор минтақада умумий ривожланиш ва барқарорлик йўлини ҳамжиҳатликда танлаш имконига эга бўлди. Бу ҳолат тарихий давомийликнинг махсули эмас, албатта. Бундан ўн йил аввал ҳамкорлик дейилса, бунинг ортда қандай хавф-хатар ётган экан деб шубҳа билан бир-бирига қараётган қўшнилар бугун сиёсий мулоқот орқали минтақада қандай қилиб ишончли ва барқарор муносабатлар ўрнатилганлигини дунёга намоён этипти. Давлат раҳбарлари томонидан аниқ мақсадлар сари қўйлаётган қадамлар, хусусан, чегара муаммоларини тизимли ҳал этиш, транспорт, логистика ва энергетика лойиҳаларини биргаликда рўйбга чиқариш, ўзаро савдонини янада кенгайтириш, сув тақчиллиги ва иқлим ўзгаришлари каби минтақанинг келажақига дахлдор масалалар ечими бир-бирини тинглаш, англаш ва тушуниш орқали ҳамжиҳатликда топилмоқда. Қисқача айтганда, аждодларимиз озу қилган минтақавий интеграциянинг тамал тошлари қўйилди.

Бугунги дунёда кечаётган глобал рақобат, ҳудудий низолар ва но-барқарорликлар шароитида Марказий Осиё ўзининг стратегик жойлашуви ва бой табиий ресурслари билан халқаро майдонда ўзига бўлган эътиборни кучайтираётганини сир эмас. Бундай шароитда ҳудудий ҳамжиҳатлик нафақат ўзаро манфаатларини юзага чиқариш, шунингдек, ташқи хавф-хатарлардан йироқ бўлишнинг энг самарали йўли экани мақолада яққол очиб берилган.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, Марказий Осиё минтақасида кечаётган жараёнлар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, уни ўз мақсад ва манфаатларида четдан бошқаришга иш-тиёкмандлар топилади. Шундай экан, агар ҳамжиҳатлик билан биргаликда ҳаракат қилинмаса, ташқи кучлар босими ортиб бориши аниқ. Шу нуктаи назардан, мақоланинг руҳидан давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси, етакчилиги ва

масъулиятни ўз зиммасига олаётганини яққол кўришимиз мумкин. Бунга Президентимизнинг кейинги йилларда бевоқиф ташаббуси ва етакчилигида амалга оширилган минтақа учун долзарб лойиҳаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Биз юқорида Президентимизнинг “ҳамжиҳатлик — стратегик зарурат”, дея эътироф этган фикрларига тўхталган эдик. Юзага келган геосиёсий вазият ва хавф-хатарлар нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, иқтисодий манфаатларни минтақавий интеграция орқали амалга оширишни янада тезлаштиришга ишонч борган сари ортиб бормоқда. Иқтисодий интеграция оқали боғланиш иқтисодиёт соҳаларида лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро қўллаб-қувватлаш билангина чегараланмайди. Бу лойиҳаларнинг самараси ўлароқ нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва сиёсий жабҳаларда ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланиб боради. Бир мисол, Марказий Осиё минтақасининг хавфсизлиги ва фаровонлиги нуктаи назаридан мақолада таъкидланганидек, Афғонистоннинг иқтисодий муаммоларини интеграция лойиҳалари орқали ечишда кўмаклашиш кўшни давлат учун ижтимоий тангликни енгиб ўтишга кўмак берса, минтақа учун ўзаро тотувлик ва хавфсизлик борасида қўйилган катта қадам бўлади.

Президентимиз нафақат Ўзбекистон, балки минтақа манфаатларидан келиб чиқиб, стратегик аҳамиятга эга масала сифатида минтақада сув ва энергетика ресурсларини фойдаланишда ҳамкорликни кучайтиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу борадаги муаммоларни ўзаро мувофиқлаштирилган тарзда ечиш, бунинг учун ҳамкорлиги тизимли йўлга қўйиш тақлиф этиляпти. Ушбу тизимда зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни одиндан баҳолаш ва уларни бартарф этиш механизмлари яратилиши лозим бўлади.

Шунингдек, транзит ва логистикадаги муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш халқаро йўл инфратузил-

ЧИНАКАМ БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ



Адам САУД, Покистондаги Бахрия университетининг гуманитар ва ижтимоий фанлар факультети декани, профессор:

— “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавҳали мақолани катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Албатта, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу мақоласи ҳақида фикр билдириш ҳар бир экспертга катта масъулият юклайди. Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, йиллар давомида тўпланиб қол-

ган муаммоларни, хусусан, давлат чегаралари билан боғлиқ ҳолатларини ҳал қилишдаги саъй-ҳаракатларини ҳеч ким инкор этолмайди. Мақолада ана шу жиҳатлар қаламга олинган, минтақада кечаётган бугунги воқеалиқлар, мамлакатлар ўртасида сўнгги йилларда вуқудга келган яқин қўшничилик алоқалари ва мавжуд муаммолар чуқур таҳлил қилинган.

Марказий Осиё ўз тараққиётининг янги, тарихий аҳамиятга молик босқичига қадам қўймоқда. Бугун чинакам бирдамлик босқичига ўтди. Минтақада узоқ йиллар давомида илк бор биргаликда олдинга қараб бориш учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳити шаклланимоқда.

Мен ҳар сафар Ўзбекистонга борганимда улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлман. Бу қувонарли, албатта. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Президенти нафақат Марказий Осиё минтақасини бирлаштириб, балки Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигини янада мустаҳкамлашда ҳам асосий роль ўйнамоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Осиё мамлакатлари, хусусан, Покистон билан ҳамкорлики ривожлантиришга қаратаётган юқори эътибори мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлигини таъминлашга муҳим ҳисса бўлиб қўйилляпти.

Президент Шавкат Мирзиёев янги Марказий Осиёни барпо этиш борасида бошланган жараён ортга қайтмас йўл экани

ни таъкидлар экан, минтақада тинчлик, барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлаш йўлидаги тарихий бирлиқни асраб-авайлаш барча мамлакатлар олдидаги умумий вазифа эканини билдирди. Давлат раҳбарининг мазкур фикрлари Жанубий Осиё мамлакатлари учун бирдек муҳим, деб ўйлайман.

Тоқон МАМИТОВ, Қирғизистон Миллий фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти директори, сиёсий фанлар доктори, профессор, танили сиёсатшунос:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мақоласи жадал геосиёсий ўзгаришлар даврида Марказий Осиёнинг роли тўғрисида ва ижтимоий-иқтисодий трансформациялар бўйича минтақавий ҳамкорликнинг замонавий доктринасини шакллантирувчи фундаментал дастурий ҳужжатдир.

“Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласида стратегик қараш, тарихий реализм ва ишонч, ўзаро ҳурмат ҳамда прагматизмга асосланган замонавий сиёсий маданият уйғунлиги намоён бўлади. Марказий Осиё том маънода барқарор ривожланиш, минтақавий



жипслашув ва халқаро субъектликнинг янги даврига қадам қўйди.

Марказий Осиё ўз таъминот занжирлари — саноат зоналари, қўшма ГЭС ва энергетика тизимлари, транспорт йўлак-лари ва логистика кластерларини шакллантирмоқда. Бу замонавий “Минтақавий ишлаб чиқариш синергияси” моделига мос келади.

Трансафгон темир йўли, “Шимол — Жануб” ва “Ўрта коридор” йўлаклари, саноат кооперацияси бўйича халқаро марказлар ташкил этиш, чегара тартиб-таомилларини соддалаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Мақолада муҳим факт тўғри акс эттирилган: минтақа илк бор ташқи кучлар томонидан ягона сиёсий субъект сифатида қабул қилина бошланди. Ўндан ортқк платформалар мавжуд бўлиб, улар давлат раҳбарлари, ҳукуматлараро механизмлар ва аниқ тармоқ лойиҳалари даражасига кўтарилган. Бу Марказий Осиёнинг мустақил геосиёсий марказ сифатида эътироф этилишини аналтади.

Ўзбекистон раҳбарининг мақолада келтирилган стратегик аҳамиятга эга гоёялари Марказий Осиё давлатлари учун минтақавий миллий суверенитетни мустаҳкамлайди, мамлакатларнинг тенг ҳуқуқлигини кафолатлайди, энергетика ҳамда сув соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширади, ёшлар учун илм-фан ва таълим интеграциясини йўлга қўйди.

ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим тасдиқланди.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоларининг фикрича, мақолада илгари сурилган йўналишлар — инвестициявий муҳитни яхшилаш, минтақа мамлакатларининг иқтисодий салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, савдо айланмаси ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини йўлга қўйиш ва логистика тизимини яхшилаш каби вазифаларни амалга оширишда муҳим дастак бўлади.

ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Ақтам Ҳайтов Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “умумминтақавий манфаатлар йўлида бирлаштиш” ғояси — тадбиркорлик ва бозор иқтисодиёти тамойилларига мос ҳолда ҳар бир давлат манфаатини таъминлайдиган ғоя эканини таъкидлади. Шунингдек, дунё ҳам-жамияти, хусусан, яқин қўшнилар билан дўстона алоқаларни мустақамлаш ЎзЛиДеПнинг ҳам устувор вазифаси экани қайд этилди.

“Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзолари ушбу сиёсий ёндашув миллий кадриятлар ва мустақил тараққиёт ғояларига асосланган ташқи сиёсий йўналишни мустақамлашани, шу билан бирга, мақолада илгари сурилган инсон капиталини ривожлантириш, гуманитар ҳамкорлик ва маданий яқинлик ҳақидаги фикрлар партиянинг миллий кадриятлар ва маънавий тикланиш ғояларига тўла ҳамоханг эканини алоҳида ургўлади.

“Миллий тикланиш” ДП фракцияси раҳбари Алишер Қодиров мақоланинг айнан бўла-жақ Тошкент саммити олдидаг эълон қилин-гани унинг сиёсий аҳамиятини янада ошир-ганини таъкидлади. Бу ташаббус минтақадаги давлат раҳбарлари ва халқларига ягона мақсад — ҳамжиҳатлик ҳамда ўзаро ишончни мустақам-лаш зарурлигини эслатгани, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамда минтақа давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси тўғрйли че-гара, сув, транспорт, савдо ва миграция ма-салаларида давлатлар яқдил қарор қабул қилишгани қайд этилди.

Мақолада минтақасид олдида турган энг му-ҳим масалалар санаб ўтилгани депутатларни диққат марказида бўлди. Хусусан, мавжуд ме-ханизмларга барқарор тус бериш, хавфсизлик-ни биргаликда таъминлаш, минтақавий савдо, экология, гуманитар алоқалар ва ташқи сиёсатда келишиб ҳаракат қилиш борасида умумий вазифаларимиз қандай бўлиши керак-лиги юзасидан билдирилган ғоялар депутат-лар томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Йигилишда “Тараққиёт блоки” аъзолари то-монидан Президентимизнинг мақоласида бел-гиланган ғоя ва тамойиллар минтақадаги ҳам-корликни янги босқичга олиб чиқиши, халқ-лар ўртасида дўстлик ва ишонч муҳитини мустақамлаши, иқтисодий ва гуманитар ри-вожланишга замин яратишга қаратилган му-ҳим дастурий ҳужжат экани айтилди.

Муҳокамаларда иштирок этган вазирлик ва идоралар вакиллари, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент дўшқотқлари институти ходимлари, Марказий Осиё халқаро институ-ти экспертлари, олимлар, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакиллари ҳамда Ёшлар парламенти аъзола-рининг фикр ва муносабатлари эшитилди.

Яқунда Блок ўз фаолиятида минтақавий ҳамжиҳатликни мустақамлаш, иқтисодий ис-лохотларни изчил давом эттириш, ғўқаролар-нинг турмуш даражасини ошириш ва миллий манфаатлар ҳимояси йўлида савй-ҳаракатлар-ни бирлаштириши маълум қилиниб, бу бора-даги устувор вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».



Расмий Тошкент хавфсиз-лик масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Халқаро кун тар-тиби Афғонистондаги вазиятни аста-секин иккинчи ўринга суриб қўйган бўлса-да, минтақа ўз чегараларида содир бўлаётган воқеаларни эътибор-сиз қолдира олмайди. Президент Шавкат Мирзиёев мавжуд таҳдидлар-га биргаликда жавоб бериш учун мин-тақавий хавфсизлик ва барқарорлик-нинг комплекс концепциясини ишлаб чиқишни тақлиф қилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон етакчиси туризм соҳасида янги интеграцион ташаббус-ларни тақлиф этди — “бир тур — бу-тун минтақа” тамойили асосида яго-на туристик маҳсулот яратиш ва мил-лий шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар-ни ўзаро тан олиш. Бу қадамлар на-фақат гуманитар алоқаларни муста-қамлаш, балки иқтисодиётга қўшимча туртки беришга ҳам қодир.

Бугунги кунда бир нараса аниқ: Маслаҳат учрашувлари формати нафа-қат доимий тус олди, балки минтақа сиёсий маданиятининг бир қисмига ай-ланди. Саккиз йил давомида Марка-зий Осиё давлатлари бир-бирини тинглашни, мурося йўлини тутишни ва биргаликда қарорлар қабул қилишни ўрганди. Ва бу кўп жиҳатдан айнан расмий Тошкентнинг хизматидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсати тўғрйли минтақа ўзаро да-волат ва ёпиқ чегаралардан очик йўллар, қўшма лойиҳалар ва умумий ривожланиш кун тартибига бўлган йўлни босиб ўтди. Ўзбекистон мунта-зав учрашувлар ғоясини амалий ме-ханизмга айлантира олди. Бу ерда иқтисодиётдан тортиб гуманитар со-ҳагача бўлган реал ташаббуслар яратилмоқда. Натижада Марказий Осиё тобора мустақил ва нуфузли мин-тақага айланмоқда. Тошкентдаги сам-мит ишончи ва бирлашган минтақани яратиш йўлидаги яна бир қадам бўлади.

Ўзаро ишончга асосланган дўстона алоқалар

Марказий Осиё давлатлари етак-чилари Маслаҳат учрашувининг плюся



форматига ўтиши — унга Озарбайжон-нинг тақлиф қилинишида Ўзбекистон Президентининг ўрни алоҳида. Маз-кур форматдаги учрашувларда Озар-байжон давлат раҳбари Илҳом Алиев фарҳрий меҳмон сифатида учинчи бор иштирок этмоқда. Мамлакатимиз раҳ-бари қатнашган биринчи шундай тад-бир 2023 йил Душанбеда, иккинчиси 2024 йил Остонада бўлиб ўтган. На-тижада Озарбайжон ва Марказий Осиё мамлакатлари стратегик аҳами-яти тобора ортиб бораётган умумий тарихий-маданий, географик ва гео-сиёсий маконни барпо қилмоқда. Бир қарашда Озарбайжонни Марказий Осиё давлатларидан ажратиб турган Каспий денгизи, аслида, давлатлари-мизни жипслаштирувчи муҳим омил ҳисобланади.

Озарбайжон минтақадаги барча мамлакатлар билан ҳамкорликни энг юқори даражада ҳар томонлама ри-вожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Икки томонлама асосда ўратилган стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари, шу-нингдек, фаол сиёсий мулоқотлари-миз, ўзаро ташрифларимиз ушбу жа-раён муваффақиятли кечishiда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Сўнгги бир неча йил ичида давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари ва мулоқотлари динамикаси муносабат-ларимиз юқори даражада эканини яққол намўён этмоқда. Хусусан, охи-рг уч йилда Марказий Осиё давлат-лари раҳбарлари Озарбайжонга 30 га яқин ташрифлари амалга оширди, Озарбайжон Президенти эса худди шу даврда қардош мамлакатларга

13 марта борди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг етинчи Маслаҳат учрашуви қардош халқла-римиз ўртасидаги азалий дўстлик ришталарини мустақамлаш, сиёсий, иқтисодий, транспорт, инвестиция, энергетика, маданий-гуманитар ва рақамли трансформация соҳаларида-ги кўп қиррали ҳамкорликни кен-гайтиришда муҳим босқич бўлади.

Президентлар — Илҳом Алиев ва Шавкат Мирзиёев ўртасида шаклан-ган ишончи ва дўстона муносабат-лар ҳам икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил ҳисоб-ланади. Ўзбекистон етакчисининг дав-латлараро муносабатлар ривожига қўшаётган ҳиссаси, кенг қўламли ҳам-корликни изчил мустақамлаш маса-лаларига қаратаётган доимий эъти-борини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўтган йил август ойида Озарбай-жон етакчиси давлат ташрифи билан Ўзбекистонда, шу йил июль ойида эса Ўзбекистон Президенти Озарбайжон-да бўлди. Ушбу тарихий ташрифлар доирасида Стратегик шериклики яна-да мустақамлаш тўғрисидаги декла-рация, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, Озарбайжон Республикаси ва Ўзбекистон Респуб-ликаси ўртасида 2025 — 2029 йил-ларга мўлжалланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартно-мани амалга ошириш бўйича “Йўл ха-ритаси” ва бошқа ўнлаб муҳим ҳуж-жатлар имзоланди.

Ўтган қисқа давр мобайнида ул-кан ишлар баҳарилди. Ўзаро таш-рифларнинг ҳаммаси Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатларини барча соҳада мустақамлашга, шунингдек, Марказий Осиё ва Каспий минтақа-сини ўз ичига олган ягона геогра-фик маконда шерикликнинг янги им-кониятларини рўёбга чиқаришга қуч-ли туртки берди.

Муносабатларимизни ривожланти-риш стратегиясини белгилашда 2023 йил август ойида тасвис этил-ган Олий давлатлараро кенгаш ҳам алоҳида ўрин тутди. Ўзаро давлат ташрифлари доирасида 2024 йил 22 август куни Тошкентда ва 2025 йил 2 июлда Бокуда ушбу тузилма йиги-

лишлари бўлиб ўтди. 2025 йилнинг дастлабки тўққиз ойида Ўзбекистон-нинг Марказий Осиё давлатлари ҳамда Озарбайжон билан товар айирбошлаш ҳажми 10 физга ўсиб, 5,5 миллиард долларга етди. Ўзе-кистон ва минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо барқарор ўсишда давом этмоқда. Агар 2017 йил-да товар айирбошлаш 3,2 миллиард долларни ташкил қилган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 6,9 миллиард долларга етди. Қозоғис-тон билан товар айирбошлаш 4 мил-лиард долларга яқинлашди, Қирғизис-тон билан қарийб 700 миллион дол-лар, Тожикистон билан 570 миллион доллардан ошди, Туркменистон билан эса сўнгги беш йилда икки баравар-дан кўпроққа ошиб, 1,15 миллиард долларга етди. Айни пайтда Озарбай-жон билан ҳам савдо жорий йил бо-шидан буён 13 физ ўсди.

Шу ўринда Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Озарбайжон савдо ва инвестиция ва-зирлари кенгашининг биринчи йиги-лиши ана шу ҳамкорликни кенгайти-ришга катта имкон яратади, деб ҳисоблайман. Йигилишда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманис-тон ҳамда Озарбайжон савдо ва ин-вестиция вазирликлари раҳбарлари, шунингдек, Қирғизистон дипломатик миссияси вакиллари иштирок этди. Тадбир минтақа мамлакатлари ўрта-сидаги иқтисодий ҳамкорликни мус-тақамлашда муҳим қадам бўлди. Йи-гилиш ўзаро товар айирбошлашни 20 миллиард долларга етказиш, “Made in Central Asia” бренди остида қўшма корхоналар ташкил қилиш, саноат кооперациясини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари муҳокама қилингани би-лан аҳамиятли бўлди.

Шунингдек, Бўстонлиқ туманида “Чегарасиз ҳамкорлик” шиори остида ўтказилган халқаро “Great Silk Road Business Cooperation Forum — 2025” бизнес форуми ҳам минтақа ва Озар-байжон тадбиркорларини бирлашти-ришда муҳим омил бўлди, дейиш мум-кин. Ўзбекистон Савдо-саноат пала-таси ташаббуси билан ташкил қили-

ниб, икки кун давом этган маскур ну-фузлы тадбир бизнес вакиллари ягона майдонда бирлаштирди. Бу орқали минтақадаги иқтисодий интеграцияни янги босқичга қўтариш, савдо алоқаларини кенгайтириш ва ишбилармонлар ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш мақсад қилинган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири диверсификацияланган транспорт-логистика инфратузилма-сини яратиш ва транзит имкония-тини кенгайтиришдир. Бу борада мамлакатларимизнинг “Ўрта йўлак” халқаро транспорт йўлагидиги иш-тироки алоҳида аҳамиятга эга. Бу жараёнда Озарбайжон Марказий Осиё мамлакатлари учун муҳим транзит давлат ҳисобланади. Сўнгги йилларда ушбу йўлак орқали экс-порт имконияти ва ташув салмоғи-ни ошириш масаласи муҳим ўрин тутмоқда. Бу эса глобал ишлар фа-катгина буюқ давлатлар атрофида айланган давр тўғайтганини англа-тади. Бу бирон-бир драматик воқеа орқали эмас, балки бутун дунё бўйлаб таъсирнинг аста-секин, жим-гина қайта тақсимланиши орқали рўй бермоқда. Ва бундай ўзгариш-лар ҳеч қачерда Марказий Осиёда-гичалик аниқ ва қутилмаган тарзда қўзга ташланмайди.

Кўп йиллар давомида Марказий Осиё чекка ҳудуд сифатида қабул қилинган. Бугун эса у бутунлай бошқа омилга — мустақил давлатлар кластерига айланмоқда. Марказий Осиё давлатларининг юксалиши “буюқ давлатлар рақобати” тамойилини қайта қўриб чиқишга мажбур қилмоқ-да. Минтақанинг бешта давлати эн-диликда ҳар бири ўзига ҳос тарзда, мустақил равишда минтақавий жара-ёнларни шакллантирмоқда. Энди улар ўзларини йирик қўшнилари манфаат-лари эмас, балки ўз манфаатлари ор-қали намўён этадиган кун тартибини юзага келтиришаётганини бутун дунё қўриб, гувоҳи бўлиб турибди.

Абдували СОЙБЕНАЗОВ («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

Тадбир

Экологик мувозанатни сақлаш масаласи эътиборда

Тошкент давлат аграр университети ташкил этилганининг 95 йиллиги муносабати билан “Глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, шунингдек, хорижий экспертлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Конференцияда глобал иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалиги соҳасига таъсири, ресурслардан оқилона фойдаланиш, барқарор агроэкоизимларни шакллантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экологик мувоза-натни сақлаш масалалари муҳо-кама қилинди.

Сенаторлар ўз чиқишларида қишлоқ хўжалиги тармоғида илм-фан интеграциясини чўқурлаш-

автоматик назорат қилиш ва қишлоқ хўжалигини замон талабларига мос равишда ри-вожлантириш хусусида фикр-лар билдирилди.

Тадбир яқунда иштирокчи-лар томонидан илмий ҳамкор-ликни кенгайтириш, иқлим ўзгаришига мос барқарор ри-вожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уларни ама-лиётга татбиқ этиш бўйича қатор тақлифлар билдирилди. Шунингдек, халқаро тажриба асосида илғор инновацион техно-логияларни жорий этиш ва ёш мутахассисларни тайёрлаш бўйича ҳамкорлик истиқболла-ри ҳам белгиланб олинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва ЕИ:

Давлатимиз раҳбарининг Брюсселга расмий ташрифи ва Европа ишбилармон доираларининг етакчи вакиллари билан учрашуви Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи (ЕИ) билан иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлди.

Европалик ҳамкорлар Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва тубдан ислох этиш, илғор технологиялар, корпоратив бошқарув стандартларини жорий қилиш ҳамда инновацион ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўмақлашаётир. Бу эса сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириб, европалик ҳамкорлар учун жозибадор манзилга айланиб бораётганидан далолат беради.

Нуктаи назар

Бунинг исботи ўларок, Президентимиз-нинг Брюсселга ташрифи натижалари бўйича энергетика, кимё, критик минерал-лар, логистика, тўқимачилик ва фарма-цевтика соҳаларида умумий қиймати 10 миллиард евродан ортик янги лойиҳа-ларни амалга ошириш бўйича келишув-ларга эришилди. Бу Европа компанияла-ри билан умумий қиймати 40 миллиард евродан ортик лойиҳаларнинг мавжуд портфелига муносиб қўшимча бўлиб ҳисобланади.

Ўзаро муносабатларнинг стратегик аҳамияти

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўрта-сидаги муносабатлар стратегик аҳамият-га эга бўлиб, қатор омиллар билан мус-тақамланмоқда.

Биринчиси, ислохотлар йўли. Таъкид-лаш жоизки, мамлакатимизда Президенти-миз раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий либераллашув, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, қонун устуворлигини мустақамлаш ва коррупцияга қарши ку-рашиш борасидаги ислохотлар Европа инвестициялари учун қўлай шароит яратмоқда.

Иккинчиси, “GSP+” бенефициари ма-қоми. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи-нинг кенгайтирилган имтиёзлар тизими



ропа Иттифоқининг “яшил” келишуви ва барқарор ривожланиш тамойиллари Ўзе-кистоннинг қайта тикланувчи энергия ман-баларини (қуёш ва шамол энергетикаси) ривожлантириш стратегияси билан уйғун. Бу соҳада Европанинг илғор техноло-гиялари ва инвестицияларини жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, IT сек-тори, стартапларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рақамли инфратузилмани ривож-лантиришда Европа тажрибаси ва техно-логияларини жорий этиш Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётини қуриш жараёнини тезлаштиради.

Тўқимачиликдан ташқари, машинасоз-лик, электроника, фармацевтика ва қури-лиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда Европа компаниялари билан кооперацияни йўлга қўйиш орқали юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мумкин. Мамлакатимизнинг улкан қишлоқ хўжали-ги салоҳиятини инобатга олиб, Европа стандартларига мос, органик ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда Европа бозорига экспорт қилиш бўйича ҳамкорликни чўқурлашти-риш ҳар томон учун манфаатли.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Мар-казий Осиёдаги геостратегик жойлашуви уни Европа ва Осиё ўртасидаги транзит хабиға айлантириш имконини беради. Транспорт йўлакларини ривожлантириш,

логистика инфратузилмасини модерниз-ация қилишда Европа сармояларини жалб этиш мумкин.

Европа банклари ва молия институт-лари билан ҳамкорликни чўқурлаштириш, корпоратив бошқарув стандартларини жо-рий қилиш ҳамда капитал бозорини ри-вожлантириш иқтисодиётнинг барча со-ҳасида янги имкониятларга йўл очади.

Кенг қамровли ҳуқуқий асос

Дарвоқе, ташрифнинг энг муҳим ва та-рихий воқеаларидан бири — Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолан-гани бўлди.

Албатта, битим доирасида эришилган келишувларни амалга ошириш осон бўлмайди. Энг асосийси, инвесторларнинг ҳуқуқларини ишончи ҳимоя қилиш, қонун-чиликнинг барқарорлиги ва шаффофли-гини таъминлаш доимий эътиборни талаб этади. Ислохотларга қарамай, баъ-зи бюрократик тўсиқлар ва коррупция хавфи ҳали ҳам мавжуд бўлиб, бу инвес-торлар ишончига салбий таъсир қўрсати-ши мумкин. Юқори технологияли ҳамда инновацион ишлаб чиқариш соҳалари учун малакали кадрлар етишмовчилиги Евро-па технологияларига ўтишда тўсиқ бўли-ши мумкин. Ўзбекистоннинг денгизга чи-қиш имконияти йўлғили ва узоқ масофа-га юкларни транспорт ва логистика харажатла-рини оширади. Европа стандартлари ва сертификатлаштириш талабларига муво-фиқлик маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун қийинчилик туғдириши мумкин.

Шу боис Европа Иттифоқи билан иқти-содий ҳамда инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ислохотларни изчил давом эттириш, суд тизими мус-тақиллигини таъминлаш, мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, маъмурий тартиб-

Ҳисоб палатасининг «Давлат аудити» дастурий комплексидан фойдаланиш тартиби белгиланди.

Тарих зарварақларида



Тарих саҳифаларида Маҳмуд Торобий кўзғолони номи билан битилган озодлик ҳаракатининг моҳияти ниятда теран. Унинг замирида халқни мўғул босқинчилари ва оёғи ердан узилган маҳаллий амалдорлар зулмидан халос этишдек улуг мақсад мужассам.

Ўзбекистон тарихчилар жамияти Бухоро вилояти бўлими раиси, Бухоро давлат университети доценти Азалшоҳ ҲАМРОЕВ мухбиримизга халқ қаҳрамони ҳақида сўзлаб бераётди, ана шуни алоҳида таъкидлади.

— Маҳмуд Бухоронинг Тороб кишлоғида оддий қосиб хонадонида туғилган, — дейди олим. — У табиатан зийрак ва ҳушёр эди. Бефарқлик, лоқайдлик Маҳмудга буткул ёт саналган. Адолатсизликка муроасасиз бўлган. Маҳмуднинг қалбига истилочиларга нисбатан нафрат туйғуси ёшигидан сингиб борган.

Уларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган зўравонликлари, маҳаллий амалдорларнинг қилмишлари, руҳонийларнинг томошабинлиги, бетарафлиги унинг сабр қосасини тўлдириди. Пичоқ бориб суякка қадалди. Йимону инсоф нури билан йўғрилган қалб ларзага келди. Охир-оқибат ўзи сингари кичик хунармандлар, оддий одамларнинг дардларини тинглаб, атрофига тарафдорлар тўплашга киришди. Жафокаш юракларда исён учқунлари чакнай бошлади.

1238 йилда бу учқун алангага айланди. Халқ мўғул босқинчилари, уларнинг тарафдорларига қарши кўзғолонга отланди. Табаррук она юртининг дахлсизлиги, Ватан озодлиги, халқнинг осуда ва фаровон яшаши учун кўтарилган бу кўзғолоннинг ташкилотчиси ва раҳнамоси Маҳмуд Торобий эди. Мўғулларнинг тажрибали лашкарлари ҳам бу халқ қўшини ҳамласига дош бера олмай, Бухорони тарк этишга мажбур бўлди. Кўзғолон ёвни чинакамига кўркүвга солди. Маҳмуд Торобий эзилган, хўрланган деҳқон ва хунармандларнинг умиди, химоячиси, доно бошқарувчи сифатида тарихга кирди. У номи афсоналар билан қуршалган Муқаннадан ва султон Хоразмшоҳнинг ўғли шаҳзода Жалолиддин Мангубердидан фарқли равишда, том маънода оддий халқ орасидан отилиб чиққан миллий қаҳрамон эди.

Маҳмуд Торобий шахси, унинг миллат олдидаги буюк хизмати, жонфидолигини манбалар турлича талқин қилди. Хуросонлик тарихшунос ва давлат арбоби Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонқушо”, яъни “Жаҳон фотиҳи тарихи” асари шундай манбалар сирасига қиради. Асар Хоразмшоҳлар давлати, ушбу салтанатнинг Чингизхон томонидан босиб олинishi, мўғулларнинг 1250 йилларгача бўлган ҳукмронлиги тарихи батафсил ёритилган ишончли манбалардан саналади. 1252 — 1260 йилларда форс тилида ёзилган “Жаҳон фотиҳи тарихи”да бошқа манбаларда учрамайдиган қимматли маълумот ва тафсилотлар кўп.

Шундай маълумотлардан бири Чингизхоннинг учинчи ўғли ва вориси Ўқтой Қоон (1229 — 1241) ҳукмронлиги даврида юз берган Торобий кўзғолонига бағишланган алоҳида бобдир. Барча Ўрта аср тарихчиларининг ушбу кўзғолон ҳақидаги ҳикоялари Жувайний маълумотларига асосланган.

Шу ўринда асар муаллифининг шахсияти ҳақида тўхталish лозим. Алоуддин Атомалик 1226 йилда ҳозирги Эроннинг Жувайн вилоятида давлат хизматчиси оиласида таваллуд топган. Унинг ота-боболари аббосийлар, салжўқийлар, хоразмшоҳлар давлатларида юқори лавозимларда хизмат қилишган. Алоуддин Жувайнийнинг ўзи эса ёшлигиданок мўғуллар хизматидаги ки-

риб, 1283 йилгача, аниқроғи, вафотида қадар турли лавозимларда ишлаган. Жумладан, қарий йигирма йил мобайнида Бағдод ҳокими вазифасида фаолият юритган.

Бинобарин, Чингизхон ва унинг авлодлари ҳукмронлиги даври тарихшунослиги ҳақида сўз борганда, Жувайний мўғул истилочиларига хайрихоҳ, “мўғулпараст” муаллифлар қаторида санаб ўтилади. Машҳур шарқшунос Де Оссон уни ҳатто “ихтиёрий равишда” босқинчилар маддоҳига айланган тарихчи, деярлифлаган. Шу мавзуда қалам тебратган академик А. Якубовскийнинг “1238 йилдаги Торобий кўзғолони” асари ҳам салмоқли манбалардан биридир. Шарқшунос олим Маҳмуд Торобий шахси ва унинг Ватан озодлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларига ҳаққоний баҳо берган. Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг “мўғулпараст” муаллиф сифатида ёзиб қолдирган ҳукмат ва бўҳтонлардан иборат уйдирмаларини ошқора қоралаган.

Гап шундаки, Жувайний илк сатрларданок Маҳмуд Торобийга нисбатан нодўстона муносабатини яширмайди. Уни иккиозламачи, ёлғончи сифатида тасвирлайди. Жувайний асарини таҳлил қилар экан, А. Якубовский: “...ҳаракатнинг ўзи ва унинг раҳбарлари ҳақида мутлақо бузуқ тасаввур ҳосил қилиш ҳукмрон табақа вакиллари қўлида

бўлган барча феодал тарихшуносликка хос хислатдир”, деб таъкидлайди.

А. Якубовскийнинг ушбу рисоласи Ўзбекистон тарихининг миллий озодлик кураши ва халқ қаҳрамонларига нисбатан адолатни тиклашда қимматли манба бўлиб ҳисобланади. Зеро, Ўрта Осиё тарихи манбашунослиги ва тарихшунослигида “Тарихи жаҳонқушо” (“Жаҳон фотиҳи тарихи”) асарининг “Маҳмуд Торобий кўзғолони” боби ҳали ўзининг ҳақиқий баҳосини топмаган.

Дарвоқе, А. Якубовскийнинг “1238 йилдаги Торобий кўзғолони” рисоласи илк маротаба ўзбек тилига таржима қилинди. Асл манбаининг таҳлили ҳам амалга оширилди. Бундан кўзланган мақсад эса тарих фани мутахассислари ва кенг жамоатчиликка Маҳмуд Торобийнинг миллий озодлик кураши йўлидаги хизматларини асл манба билан ўрганишга кўмаклашишдан иборат. Зеро, халқимиз ўзининг мард ва жасур, фидойи фарзандларини асло унутмайди. Жондор туманида Маҳмуд Торобийнинг хайкали қад ростлаб тургани, юртимиздаги қатор кўча ва маҳаллалар унинг номи билан аталгани, ёзувчи ва шоирлар халқ қаҳрамонига атаб бадийий асарлар ёзишаётгани фикримиз далилидир.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Хотира
ЮРТ РАВНАҚИГА
БАХШИДА УМР

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда кечган замонавий бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлатни барпо қилиш жараёнларида давлат ва жамоат бошқаруви тизимлари учун мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини доимий ошириб бориш муҳим аҳамият касб этди. Ана шундай тарихий паллада мазкур тизимни такомиллаштириш борасида олиб борилган ишларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Мирзагани Искандаровнинг фаолияти муносиб ўрин эгаллади.

Мирзагани Искандаров умри давомида турли масъул лавозимларда ишлади, Сиёсатшунослик ва бошқарув институтига раҳбарлик қилди. Шунингдек, раҳбар кадрлар малакасини ошириш бўйича Республикалараро курслар фаолиятини бошқарган. Олимнинг 60 дан ортиқ илмий ишлари, жумладан, монографиялари ва кўплаб мақолаларида назария билан амалиётнинг уйғунлиги яққол намоён бўлади. Шу боис унинг асарлари нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижий илмий жамоатчилик ва амалиёт соҳасидаги мутахассислар томонидан ҳам кенг эътироф этилган.

Олим ўз ишларида бошқарув тизими раҳбарларининг онглилиги, ташаббускорлиги ва чуқур профессионаллиги ҳар қандай жамоанинг салоҳиятидан фойдаланиш даражасини бевосита белгилашини таъкидлаб келган. Юқори малакали бошқарув ва раҳбар кадрларни тайёрлаш соҳасида мохир ташкилотчи сифатида М. Искандаров ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш, таълим шакли ва усулларини бойитиш, тингловчиларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга катта эътибор берган. Ўқув жараёнини муаммоли ўқитиш тамойилларига ўтказиш, замонавий ва самарали ўқитиш шаклларида кенг фойдаланишни фаол қўллаб-қувватлаган.

Марказий Осиёдаги энг йирик Сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг раҳбари сифатида у олий ўқув юртининг моддий-техника базасини яхшилаш, уни замон талаблари асосида жиҳозлаш, профессор-ўқитувчилар ва тингловчиларнинг компьютер саводхонлигини оширишга доимий эътибор қаратган.

М. Искандаров талабчан ва масъулиятли раҳбар бўлиш билан бир қаторда, мамлакат тарақиёти ва халқ фаровончилигига хизмат қилувчи илмий фаолиятини ҳам давом эттирган. Ўзбекистоннинг қатор вилоятларида унинг қишлоқ аҳолиси турмуш маданиятини юксалтириш ва яшаш шароитларини яхшилашга оид амалий тавсиялари кенг қўлланиб келинган.

Жонқур олимнинг хизматлари қатор давлат мукофотлари билан тақдирланган. Жумладан, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвонига сазовор бўлган.

Мирзагани Искандаров ҳаёт бўлганида бу йил 100 ёшга кирган бўларди. Педагог олимнинг бой назарий ҳамда амалий тажрибаси бугунги кунда ҳам унинг қўллаб-шогирдлари томонидан фаол қўлланилиб, янги Ўзбекистон кадрларини тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.

Аҳмадали АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги,
«Буюк хизматлари учун» ордени соҳибига,
Ўзбекистон миллий педагогика университети профессори.

БАҲОДИРЛАР БЕДОР БЎЛАР

Баҳодир исмли зотлар тарихда кўп ўтган. Исмнинг тарихийлиги, маҳобати, эл-улус орасида машҳурлиги бор гап. Шарҳ берадиган бўлсак, полвон, пахлавон, ботир, жўмард, ёвқур, доворак сингари бир неча маънодош оғанимлари бор. Беихтиёр алп келбатли, Алпомиш жуссали ёвқур бир сиймо гавдаланади.

Сурат ва сийрат

Улуғ аждодимиз Баҳодир Ялангтўш ҳазратларини ҳам яхши биламиз. Лекин биз таърифини келтирмоқчи бўлган Баҳодир исмли замондошимиз ялангтўш эмас. Фаровон ва тўкин-сочин замоннинг, эмин-эркин даврнинг фарзанди, сарпою либослари ҳам пўрим ва замонавий. Нозик дид билан кийинишлари, юриш-туришлари, исми жисмига мос деганларидек, ҳуш суратию келишган қадди-қоматиға гоёт ярашган. Ҳуш-муомала ва ўзини туттишлари юксак одоби ҳамда маданиятидан дарак бериб туради. Устозларимиз лутф этганди, сурати ҳам, сийрати ҳам бир хил инсон.

Аммо ҳақли чикса борми, нажот истаб, Ялангтўш бобони излаб қолишдан бошқа чора тополмайсиз. Бу хислатлар унинг самимийлиги, очиқ ва танитилигини билдириб туради.

Хурматли дўстимизнинг умри-хаёти куй, ғазал, наво, қўшиқ, мустика, ракс, оммавий саҳналар, умумий қилиб айтганда, умумхалқ байрамларию томошалари билан чамбарчас боғлиқ. Маданият ҳақида гап кетганда, оммавий маданият эмас, оммавий маданиятсизлик ҳукм сураётган алғов-фалғов дунёда чинакам санъат йўлида фидоийлик билан меҳнат қилиш ҳам бир саодат.

Яхши шёар ва ғазалларга ҳамиша волаю шайдо. Назм аҳлига хайрихоҳлиги, қуён-

чаклигию ташаббускорлиги, тиниб-тинчмаслиги билан ҳаммага ибрат бўлиб келаётир.

Маълумки, оммавий саҳна томошалари ўз-ўзидан тайёр ҳолда осмондан тушиб келмайди. Узоққа бормайлик, Президентимиз Мустақиллик байрамининг 34 йиллиги учун ном қўйиб берган “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шиори остида намойиш этилган тантанали байрам дастуридан ҳайратланмаган ҳеч ким қолмади. Кенг ва мўл саҳнада рангу жилолари билан ҳамминанг кўзини яшнатган концерт томошалари силлиқ ва бекаму кўст ўтган бўлса-да, унинг ортида қанчалар меҳнат ҳамда маҳорат, уйқусиз ва бедор кечалар машаққати турганини бир тасаввур қилиб кўринг. Дағалроқ эшитилса-да, бу томошалар яхлит ҳолга келгунча Баҳодиримиз неча марта ўлиб-тирилганига гувоҳ бўлганмиз. Юксак ҳайрат ва ҳажжонлар билан байрам дастури якунига етганде осмонга сержило мушаклар отилган тошқин паллаларда уларнинг ёнида Баҳодир ақининг ҳам елкалари юлдузларга тегиб учиб юргани асло муболага эмас.

Давлатимиз раҳбарига байрам дастурининг юксак мазмун-моҳияти маъқул келди: Ватан шундоқ тараннум этилади. Миллатпарварлик ва ватанпарварлик ҳудди шундай ғурур ҳамда ифтихор билан баланд ва авж пардаларда кўрсатилади. Янги Ўзбекистоннинг юксак гоғяларини олам аҳлига намоён этмоқ бундоқ бўлибди!

ТАБАРРУК ТУПРОҚҚА ТАЪЗИМ

Япониялик Ишихара Жуюничининг бобоси урушдан қайтмаган. Яқинлари уни бир умр қутиб ашаган. Иккинчи жаҳон урушида Германия мағлуб этилганидан кейин шарқий фронтда иттифоқчилар қўшинлари Квантун армиясини ҳам мағлубиятга учратди. 1945 йил 14 августда Япония императори Хирохито ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб, барча қўшинларини таслим бўлишга қачқирди. Шундан сўнг мағлуб бўлган 500 мингдан зиёд япон аскарлари турли ҳудудларга сургун қилинди. Уларнинг 240 нафари Кўқон шаҳридан қўним топди.

Оқибат

— Бу ерда япон аскарлари халқ ҳўжалигининг турли соҳалари, хусусан, қурилишга меҳнат қилган, — дейди қўқонлик тарихчи Яхёҳон Дадабоев. — Мазкур шаҳарда япон асирлари томонидан бунёд этилган иншоотларнинг асарияти сақланиб қолган. Ҳатто Кўқонда япон қабристонини ҳам бор.

Бағрикенг халқимиз япон асирларига инсоний муносабатда бўлган. Уларга доим меҳроқибат кўрсатган.

— Мен бобомни кўрмаганман, — дейди Ишихара Жуюничи. — Ота-онам бир умр қутиб ашаганини яхши эслайман. Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Кўқон шаҳар ҳокимлиги кўмағида олиб борилган излаишлар натижасида бобомнинг қабрини Кўқон шаҳридан топдик.

Элчихонамиз вакиллари ҳамда Кўқон шаҳар ҳокими ҳамроҳлигида бобомнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириб, руҳини шод этдим. Бундан беҳад мамнунман. Ишихара Жуюничи бобосининг қабридан узоқлашгиси келмай, қайта-қайта ортига ўгирилиб кўзлари жикка ёшга тўлди.

— Яқинларим бобом мохир қурувчи бўлганини кўп эслайди, — дея сўзюда давом этди Ишихара. — Бугун мазкур шаҳарда бобом ва бошқа ҳамюртлар бунёд этган биноларни қўриб ҳайратландим. Бундай ноёб иншоотлар ҳозирги кунгача сақланиб қолгани эътиборга лойиқ. Бобомни кўрмаган бўлсам-да, у кишининг қасбига меҳрим тушган. Мен ҳам қурилиш соҳасида ишлайман. Эътиборлиси, япон ва ўзбек меъморчилигида ўхшаш

жиҳатлар бор экан. Айнан меъморчиликда ҳам шарқона қадриятларимиз ўзаро уйғунлигига яна бир бор амин бўлдим. Бундан буён оиламиз азёолари билан ҳар йили юртингизга келиб турамиз. Бобом мангу кўним топган маскан энди биз учун табаррук зиёратгоҳга айланди. Бугунги кунда Фарғона вилоятининг ҳар бир шаҳар-туманида тажриба тарикасида икитадан мактаб танлаб олиниб, бошланғич синфларда япон тажрибаси асосида таълим-тарбия берилимоқда. Япониялик меҳмонлар Кўқон шаҳридаги айнан шундай таълим маскани фаолияти билан танишишди. Мактабда ўғил-қизларни миллий анъаналар руҳида тарбиялаб, япон тили ва маданиятини ўргатиш борасида эришилаётган ютуқлар меҳмон-



Сирожиiddн САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ларда катта таассурот қолдирди. Бошланғич синфларда дарс жараёнини қузатган япониялик меҳмонлар япон таълим технологиялари асосидаги машғулотларда иштирок этиб, ўқувчилар билан самимий мулоқот қилди. Дарс якунида ўқувчиларга эсдалик совғалар топширилди.

...Ишихара ўз юртига қайтишдан олдин яна бир бор япон қабристонига бориб, табаррук тупроққа таъзим қилди. Дахшлати уруш тугаганига 80 йил бўлса-да, аммо у қолдирган жароҳат изи ҳали қалблардан буткул ўчгани йўқ.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Кадриятлар

ЭРКИНОЙНИНГ
БАХТ КЎРҒОНИ

Хонобод шаҳри мамлакатимизнинг энг олис ҳудудида жойлашган бўлса-да, ўзининг бетакрор табиати билан машҳур. Асли қирғиз миллатига мансуб Эркиной Абжамиллова Хонобод шаҳрида туғилиб, камол топди. Гарчи, ўзбекона муҳитда вояга етган бўлса-да, шундоқкина қўл чўзса етгудек Қирғизистон кишлоқлари ҳам унда катта қизиқиш уйғотарди. Шу тариқа ҳар иккала миллат маданияти, қадриятларига меҳр билан улғайди.

Президентимизнинг 2017 йилда Хонобод шаҳрига ташрифи бу юрт ҳаётида янги саҳифа очди. Шу кундан бошлаб шаҳарга кириб-чиқишдаги паспорт тизими бекор қилинди. Кейинчалик қўшни давлат билан чегаралар очилиб, халқлар ўртасидаги “борди-келди” муносабатлари янада яхшиланди.

— Шаҳримиз адирлик ёнбағрида жойлашганлиги сабаб бетакрор манзарога эга, — дейди Эркиной. — Бироқ унинг фойдаланилмай турган жойлари жуда кўп. Денгиз сатҳидан 800 метр юқоридаги ташландиқ жойни ободонлаштириб, қўчатлар эқдик ва “Олтин ўрда” дам олиш ҳамда овқатланиш масканини ишга туширдик. Ўтовлар тиклаб, қирғиз ҳамда ўзбек миллий ва Европа таомларини тайёрлашни йўлга қўйдик. Бу эса сайёҳларни бефарқ қолдирмади. Ҳозирда бир пайтнинг ўзида 200 меҳмонга хизмат кўрсатиш имкониятига эгамиз. Миллий ва замонавий ўтовларда ўтириб бутун шаҳар манзарасини томоша қилиш мумкин.

Эркиной Абжамилловадаги ғайрат-шижоат маҳаллий ҳокимлик эътиборини жалб этди. Ундаги тадбиркорлик, ишбилармонлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Савдо-саноат палатасининг Хонобод шаҳар бўлими раҳбари вазифасига ишга тақлиф қилди. Айни пайтда у мингга яқин акча тадбиркор ва хунармандлар, шунингдек, ўттизга яқин йирик ишлаб чиқарувчилар фаолияти орқали ҳудуд иқтисодиётини шакллантириш бўйича истикболли лойиҳалар устида ишламоқда.

Дарвоқе, шахсий ҳаётига тўхталсак, Эркиной ўзбек йигити билан турмуш қуриб, ҳозир уч нафар фарзандни тарбияламодо. — Қирғизистонда кўпчилик учун “қирғизнинг ўзбек қизи”ман, — дейди у сўхбат давомида. — Мен ўтмиши, бугуни ва келажаги бир бўлган қардошларнинг кўзлаган мақсади уйғунлигидан қувонаман.

Орамизда шундай инсонлар бор экан, давлатлар ўртасидаги чегаралар хариталардагина бўй кўрсатади. Юракда эса қардошлиқ, қондошлиқ ва қариндошлиқ туйғулари ашайверади.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).



Эндилиқда 14 — 18 ёшдаги вояга етмаган шахслар ўзлари мустақил, 14 ёшгача бўлганлар ота-онасидан бири ёки қонуний вакилининг ёзма розилиги асосида тижорат банкларида банк картасини очишлари мумкин бўлади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 602 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопчилик 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6768

Тахриратта келган кўлаёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавбар.
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масула. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.45 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6